

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Камбағалликни қисқартириш**  
**ва бандлик бош бошқарма**  
**бошлиғи**  
**З.Икрамов**  
**2023-йил**

**Наманган вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош**  
**бошқармасида ЗООМ платформаси орқали ўтказилган йиғилиш**  
**БАЁНИ**

2023-йил « 8 » июнь

Наманган шаҳар

**Раислик қилувчи:** **З.Икрамов** - Наманган вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи

**Қатнашдилар:** Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари, таркибий бўлинма бошлиқлари, мутахассислари, шаҳар ва туманлар бўлими бошлиқлари, ўринбосарлари шаҳар ва туманлар ҳоким ёрдамчилари (*рўйхат бўйича*).

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Мусаев иштирокида 2023 йил 30 май куни бўлиб ўтган йиғилишда йўл қўйилган коррупциявий ҳолатлар танқидий таҳлил қилиниб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича белгилаб берилган вазифаларни ижроси муҳокамаси.**

*(З.Икрамов, А.Алаходжаев, Ш.Имамов, А.Қосимов, З.Икрамов)*

Йиғилишда қайд этилдики, Бош бошқарма бошлиғи З.Икрамов ўз сўзида тизимида фаолият юритаётган шаҳар ва туманлардаги ҳоким ёрдамчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупциявий ҳолатларни минималлаштириш мақсадида мунтазам равишда профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари махсус тайёрланган буклетлар тизимдаги барча ташкилотларга тарқатилди ва фуқоролар кўришига қулай бўлган жойларга осиб қўйилди, бироқ ўтказилган тадбирларга қарамасдан тизимда коррупциявий ҳолатлар юқориликгича қолмоқда.

Жумладан: Шунингдек, жорий йил 12 апрел куни Яккабоғ туманидаги маҳаллалардан бирида ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишловчи С.С. шахс ўзи

норасмий раҳбарлик қилувчи 2 та МЧЖга қурилиш материаллари сотиб олиш бўйича банкдан ажратилган **1,7 млрд** сўмлик имтиёзли кредит маблағларини бошқалар билан жиноий тил бириктириб, ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганлиги ҳолати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аниқланган.

Шахрисабз туманидаги Қўшчинор МФЙ фуқароси С.Б.нинг ўзи фойдаланиб келаётган **5 гектар** ер майдони аукцион савдоларига чиқиб кетганлигидан хабардор бўлиб, унга ушбу ер майдонининг **50 сотихини** ўзига қолдириб бериши эвазига Қўшчинор МФЙ ҳоким ёрдамчиси Й.С. **500 АҚШ** доллари олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ушланган.

Худди шундай Халқ банки Самарқанд шаҳар филиалидан кредит олмоқчи бўлиб юрган фуқародан “Шукрона” МФЙда ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишловчи шахс унинг ишончига кириб, банкдаги мансабдор танишлари орқали 150 миллион сўм миқдорида кредит чиқариб бериш эвазига 1500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни талаб қилган.

7 июнь куни Самарқанд шаҳар Сайфи Сарой кўчасида жойлашган “Шукрона” МФЙ биноси ёнида ҳоким ёрдамчиси фуқародан 1500 АҚШ доллари миқдорида пулларни олган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинлигига тўхталиб ўтди.

Шаҳар ва туманлар бўлими бошлиқлари ҳар бир ҳоким ёрдамчилари билан коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабабларни таҳлил қилиб бориш, коррупциявий ҳолатларга мойиллиги бўлган ходимлар билан алоҳида ишлай кераклиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, қонунчилик, хизмат интизоми, одоб-ахлоқ қоидалари ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишини амалга ошириш тўғрисидаги тарғибот ишларини олиб боришини, назоратга олиши кераклиги алоҳида такидлаб ўтилди.

Шаҳар ва туман ККБК бўлим бошлиқларини ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилиш якунида бошқарма бошлиғи З.Икрамов юқоридагилардан ҳолатлардан кўриниб турибдики шаҳар ва туман ҳоким ёрдамчилари ўртасида профилактик тадбирлар ва тарғибот ташвиқот ишларини кучайтириш ва ҳар бир ҳоким ёрдамчиси ўз вазифасига виждонан ёндошиши, коррупцион жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш, жазо муқаррарлиги ҳақида тушинтириш ишларини кўчайтириш бўйича бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири **Б.Мусаев** иштирокида 2023 йил 30 май куни бўлиб ўтган йиғилишда йўл қўйилган коррупциявий ҳолатлар танқидий таҳлил қилиниб, келгусида

бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича белгилаб берилган вазифалари юзасидан бош бошқарма бошлиғи **З.Икрамовни** маърузаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар ва туман **Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари, маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиларига** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-29 сонли фармони ва ПҚ-31 сонли қарорига асосан берилган вазифаларни тўлиқ ижросини таъминлар, Оилавий тадбиркорлик йўналишида кредитлар ажратиш, ВМ-252 сонли қарор асосида субсидия ажратиш, ПҚ-373, ПҚ-20 сонли қарорлар асосида узоқ муддатли ижара асосида ер майдонлари учун тавсиялар беришда таниш билишчиликга йўл қўймаслик, қонун талабларига тўлиқ амал қилинишини таъминласин.

3. Бош бошқарма **Комплаенс назорат бош мутахассиси А.Қосимов хамда Шаҳар ва туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари** бошлиқларига;

-ҳоким ёрдамчиларидан бошқарма бошлиғи номига Кафолат хатлари олиш;

-ҳар бир ҳоким ёрдамчилари билан коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабабларни таҳлил қилиб бориш, коррупциявий ҳолатларга моилиги бўлган ходимлар билан алоҳида ишлай кераклиги;

-ҳоким ёрдамчиларини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, қонунчилик, хизмат интизоми, одоб-ахлоқ қоидалари ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишини амалга ошириш тўғрисидаги тарғибот ишларини олиб бориши;

-ҳоким ёрдамчиларидан тўлиқ ҳолда манфатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида декларация олиш, аноним сўровномалар ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. **Бош бошқарма Ахборот хизмати (О.Абдухалилов) шаҳар ва туман бўлимларида** ўтказилган “Коррупцияга қарши курашиш” тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориш чораларини кўрилсин.

5. Мазкур йиғилиш қарорини ижросини назорат қилишни Бош бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Алаходжаевга зиммасига юклатилсин.

Баёнлаштирувчи




А.Қосимов.




Уйчи тумани




Учқўрғон тумани




Давлатобод тумани



Наманган вилояти Бандлик бошқармаси




Тўрақўрғон тумани




Поп тумани




MINGBULOQ



Наманган шаҳар



Nam Chortoq tumani



Янгиқўрғон тумани



Чуст тумани




Косонсой тумани




Namangan vil. Namangan tum.




Норин тумани




Наманган Бош бошқармаси



Наманган агентлик - Инамов Шохиржон



Маҳаллабай




Наманган туман

Маҳаллабай


Наманган туман




Уйчи тумани




Учкўргон тумани



Давлатобод тумани



Наманган вилояти Бандлик бошқармаси




Тўрақўргон тумани




Поп тумани




MINGBULOQ



Наманган шаҳар




Nam Chertog tumani



Янгиқўргон тумани



Чўст тумани



Косонсой тумани




Namangan vil. Namalqan tum.




Норин тумани



Наманган Бош бошқармаси




Наманган агентлик - Инамов Шокиржон



Маҳаллабай

Маҳаллабай




Наманган туман


Наманган туман




Уйчи тумани




Учкўрғон тумани



Давлатобод тумани



Наманган вилояти Бандлик бошқармаси




Тўрақўрғон тумани




Поп тумани



MINGBULOQ



Наманган шаҳар




Nam Chirtoq tumani



Янгиқўрғон тумани



Чуст тумани



Косонсой тумани




Namangan vil. Namangan tum.




Норин тумани



Наманган Бош бошқармаси




Наманган агентлик - Инамов Шокиржон



Маҳаллабай

Маҳаллабай




Наманган туман


Наманган туман



Уйчи тумани




Учқўрғон тумани



Давлатобод тумани



Наманган вилояти Бандлик бошқармаси




Тўрақўрғон тумани




Пол тумани



MINGBULOQ



Наманган шаҳар



Nam Cho'toq tumani



Янгиқўрғон тумани



Чуст тумани



Косонсой тумани




Namangan vil. Namangan tum.




Норин тумани



Наманган Беш бошқармаси




Наманган агентлик - Инамов Шокіржон



Маҳаллабай

Маҳаллабай



Наманган туман

Наманган туман